IQRO JURNALI , IQRO JOURNAL, ИКРО ЖУРНАЛИ
ISSN:2181-4341| wordlyknowledge.uz/index.php/iqro
Volume 22 Issue 01 IYUN 2026

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ МАНСАБДОРЛАР ВА МАҚТАНЧОҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ПСИХОЛОГИК ҚАРАШЛАРИ

М. Сулаймонов
(*КДПИ*)

Аннотация

Мақолада Алишер Навоий диёнатсиз мансабдорлар хақида фикр билдириб уларнинг психологик хусусиятларини тавсифлайди ва охир оқибатда психологик қиёфасини яратганлиги, мансабдор шахснинг психологик оламини таҳлил қилганда, турлича томонлари, жабҳалари юзасидан фикр юритади, жумладан, виждонсиз, ҳаром-харишдан тортинмовчи, иллатлари тўғрисида мулоҳаза юритганида, характер хусусиятига баҳо берганида қуйидаги салбий хулқ-атвор, кучсиз иродага эгалик, ор-номусда тубанлик кабиларни психологик тавсифлашга эришганлиги баён этилади.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, психологик қарашлар, мансабдор шахс, мақтанчоқлик, шахс психологияси, характер хусусиятлари, ахлоқий фазилатлар, маънавий тарбия, адолат, виждон, хулқ-атвор, ирода, шахс камолот, ахлоқий нуқсонлар, психологик тавсиф, ижтимоий муносабатлар, давлат бошқаруви, комил инсон ғояси.

Аннотация

В статье рассматриваются взгляды Алишера Навои на беспринципных и недобросовестных должностных лиц. Показано, что мыслитель характеризует их психологические особенности и в конечном итоге создает их целостный психологический портрет. Анализируя психологический мир человека, наделенного властью и должностью, он обращается к различным его сторонам и аспектам. В частности, размышляя о бессовестности, склонности не избегать запретного и нечестно нажитого, а также других пороках, Навои дает оценку чертам характера таких людей. В статье отмечается, что ему удалось представить психологическую характеристику таких негативных качеств, как отрицательные формы поведения, слабоволие, низкий уровень чести и достоинства.

Ключевые слова: Алишер Навои, психологические взгляды, должностное лицо, хвастовство, психология личности, черты характера, нравственные качества, духовное воспитание, справедливость, совесть, поведение, воля, развитие личности, нравственные недостатки, психологическая характеристика, социальные отношения, государственное управление, идея совершенного человека.

Abstract

The article examines Alisher Navoi’s views on unethical and unscrupulous officials. It is shown that he describes their psychological characteristics and ultimately constructs their psychological profile. While analyzing the psychological world of a person holding an official position, Navoi reflects on its various dimensions and aspects. In particular, when discussing such traits as lack of conscience, a tendency not to refrain from illicit gains and dishonest conduct, and other moral deficiencies, he evaluates their character attributes. The article argues that Navoi succeeded in providing a psychological characterization of negative behavioral patterns, weak willpower, and a degraded sense of honor and dignity.

Keywords: Alisher Navoi, psychological views, public officials, boastfulness, personality psychology, character traits, moral qualities, spiritual education, justice, conscience, behavior, willpower, personality development, moral deficiencies, psychological characterization, social relations, public administration, concept of the perfect human being.

Алишер Навоий мамлакатдаги у ёки бу тоифага тааллуқли кишиларга ўз муносабатини билдирганда, асосан уларни контраст икки типга мансуб деб баҳолайди. Негадир, уларнинг барчаси бир хил даражадаги жоҳиллар ёки одиллар туркумига дахлдор эканлиги, яъни ижобий ёки салбий характер хусусиятли деб мутафаккирни тан олиши айрим шубҳаларни вужудга келтиради. Лекин инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиётида ёмонлик билан яхшилик ўртасида узлуксиз кураш бориши шахснинг психологик хусусиятлари, сифатлари, фазилатлари таркиб топишида ҳам баҳолашнинг бу икки мезони фаол иштирок этади. Худди шу боис, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги аёвсиз курашда ҳам адолат ёки яхшилик ғалаба қилади, ўз-ўзидан ёмонлик (ёвузлик) мағлуб бўлади. Бу ижтимоий воқелик халқ ижодиётида марказий ўрин эгаллайди. Бу борада биз Алишер Навоийнинг шахсий қарашларига танқидий муносабат билдиришдан йироқмиз, бироқ шахсларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари айнан бир-бирига идентик эмаслигини таъкидлаб ўтмоқчимиз, холос.

1.Диёнатсиз садрлар (мансабдорлар) тўғрисида.

Алишер Навоий диёнатсиз мансабдорлар хақида фикр билдирганида, асосан уларнинг психологик хусусиятларини тавсифлайди ва охир оқибатда психологик қиёфасини яратади, муаллифнинг ўзига хос қарашлари яхлит муносабат мажмуасини вужудга келтиради. Бироқ қайси вазиятлар, ҳолатлар, воқеликлар, шароитлар шахсда иллатларини юзага келтиради, деган омиллар бўйича мулоҳазалар, ечимлар чизгиларда учрайди.

Навоий мансабдор шахснинг психологик оламини таҳлил қилганда, турлича томонлари, жабҳалари юзасидан фикр юритади, жумладан, виждонсиз, ҳаром-харишдан тортинмовчи, бедиёнат садрлар–ҳеч зарурати бўлмаган бидъатдек нарсадир. Муаллиф уларга нисбатан муносабатини билдиришда давом этиб шундай дейди: агар бу нокас илмсиз бўлса, бутун қилмиши – бузуқлик, фисқу фужурдир. Унинг базмидаги соз ва куй оҳанглари илм ва тақвога тутилган азанинг мотам фарёдидир, деб таъкидлайди у.

Мутафаккир уларнинг иллатлари тўғрисида мулоҳаза юритганида, характер хусусиятига баҳо берганида қуйидаги салбий хулқ-атвор, кучсиз иродага эгалик, ор-номусда тубанлик кабиларни психологик тавсифлашга эришади:

1) олимлар тарафидан гулоб (гул шарбати) солиб келтирилган шишалар бўшагач, хизматкорлари бу идишларни май билан тўлдирадилар;

2) улар учун келтирилган новватни ушатиб, садрлар ўз ичкиликларига газак қиладилар.

Мулоҳазалардан кўриниб турибдики, диёнатсиз мансабдорлар олимларнинг ақл-заковати юксак эканлигини тан олмас, уларга хизматкорлардек қарашади, лекин танқидий (ўзига нисбат), теран фикрлаш бундайларга бегонадир. Шунинг учун уларнинг асосий вазифалари, ҳолатларга масъуллиги ҳаёт ва фаолиятнинг бошқа жабҳаларига, нарсаларга ҳам жисмоний, ҳам руҳий кўчирилган. Ичкиликбозлик, меъёрни билмаслик, ўзини ирода эта олмаслик садрларнинг иллатлари бўлиб ҳисобланади.

Уларнинг фикрича, бунга ўхшаш давраларда ярамаслик унда ғолиб, талабалар эса югурдаклик қиладилар. Уларнинг хизматкорлари хонақо учун ажратилган таомга, маҳрам болалари эса шайх ва мударрис маошига шерик. У фикрни давом эттириб, шундай дейди: базмига май келтиришга муҳтасиб рози ва унга май сузгувчи соқолли қози.

Алишер Навоий юқоридаги диёнатсизликларни умумлаштириб шундай хулоса чиқаради: “мамлакатда шу каби ман қилинган нарсалар ривож топаверса, ислом ва шариатга ҳурмат бўлармиди?” деган ижтимоий муаммони мухокамага қўяди. Муаллиф ўзи илгари сурган ғояга ўзи жавоб беришга ҳаракат қилиши билан қаноат қилибгина қолмасдан, балки муайян тавсиялар ҳам ишлаб чиқади: биринчидан, садр-олимларига

дастёр, шайхларига хизматкор, сайидларига кўмакчи ва фуқаро хизматига ҳамма тайёр бўлмоғи керак. Иккинчидан, улар зулм риштасини узгувчи, вақф ерларининг бузилганини тузувчи ва зироат – дехқончиликни авж олдиришга саъй–ҳаракат кўргизувчи бўлмоғи керак. Навоийнинг мулоҳазаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, жазолаш билан гуруҳий, ижтимоий хусусият, касб этувчи иллатларни бартараб қилиш имкониятини қуйи бўлганлиги туфайли кишиларга ҳатто мансабдорларга таъсир ўтказишнинг бошқа шаклларини тадбиқ этиш юзасидан жамиятга ва унинг бошқарувчисига таклиф берилади. Бизнингча, Алишер Навоий мансабдорга танбеҳ бериш, психологик маслаҳат (консультация)ни амалга ошириш, ҳакимлар томонидан психокоррекция ишларини йўлга қўйиш, улар билан машғулот (тренинг) ўтказиш ижобий натижаларни рўёбга чиқариш тўғрисида фикр юритган бўлса ажаб эмас. Маълумки, зиндонбанд қилиш, осиш, бошини чопиш орқали мамлакатда тартиб-интизом ўрнатиш, шахслараро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш мумкин эмаслигига Навоий иқрор бўлганлиги сабабли садрларга жамоатчилик фикри ёрдами билан таъсир ўтказиш юқори самара бериши юзасидан илмий фараз (тахмин)ларини илгари суради. Шу билан бирга реориентация (ҳаётга қайтадан йўналтириш)ни турмушга тадбиқ этиш имконини мавжуд эканлигига ишонч ҳис-туйғуси вужудга келади, демак унинг учун халқпарварлик (миллатпарварлик) устувор ахамият касб этишидан дарак беради. Алишер Навоий юқоридаги фикрларни илгари суриши билан турмушда кескин ислоҳотларни амалга ошириши ўта мураккаб муаммо эканлигини тўғри (адекват) тасаввур қилганлиги учун дастлабки қарашлардан мутлақо воз кечмайди. Шунинг учун садрларга даҳлдор маснавийни фуқаролар ҳукмига ҳавола қилади:

Адр бузмас фақат майхўр, валидни,
У бузғай ҳожани, ҳатто сайидни.
Ўзи айёру маккору саросар,
Сўзи кўп ялтироқ, тўн зебу зевар.

Тўртликда мансабдорларни хақиқий психологик қиёфасини, характерологик хусусиятларини очиб ташлашга хамиша тайёр эканлигини англатади, шу билан бирга халқимизнинг доно маталларига тўлиқ (мансаб кишини бузади; садоқатини синаш учун унга амал бериб кўриш ва ҳ.к) риоя қилишини яққол гавдалантиради.

2.Баҳодирлик лофини урган фосиқ ва очкўз, мақтанчоқлар хақида.

Алишер Навоий мақтанчоқ шахслар (фуқаролар) юзасидан мулоҳаза юритганида уларнинг психологик фазилат (иллат)лари, характерологик хусусиятлари (ҳам ижобий, ҳам салбий бўлишидан қатъи назар) тўғрисида ўз фикрини билдиради ва ана шу мезонга асосланиб уларнинг хулқ–атворини баҳолайди. Муаллифнинг тавсиф беришича, шоҳ эшигида-уйида пул-молни совургувчи бу одамлар на тангрига ибодат ва на шоҳга итоат қиладилар. Мутафаккирнинг улар хулқ-атворига берган баҳосига мана бундай хислатлар мақтанчоқ субъектларга хос эканлиги таъкидланади: биринчидан, истагани шуҳратпарастлик ва одатлари олифтагарчилик; иккинчидан, юриш-туришлари маст-аластлигу, ўзларига зеб бериши, учинчидан, чин гаплари – лоф уриш, маъноли сўзлари-ёлғончилик; тўртинчидан, динлари ичкиликбозлик, расм-русумлари, динсизлик; бешинчидан, истаклари от чоптириб завқ олиш; олтинчидан, гап сўзлари бош-яланг бетга чопиш.

Асарда баён қилинишича, базмда уларнинг (мақтанчоқларнинг) даъволари ўзларини Ҳотамдек, жанг-жадаларда ўзларини Рустамдек таништириши бўлиб, иродаси кучли эканлигини намойиш қилишдан иборат воқеликни ўзида мужассамлаштиради, холос. Навоий уларнинг психологик қиёфасини яққол образли қилиб намоён этишда аниқ ўхшатишлардан фойдаланиб, муайян иллатларини рўёбга чиқаришга муваффақ бўлади,

чунончи, а) бошларидаги жиғанинг дабдабасидан “Насри тойир” юлдузи (у қийғир шаклида тасаввур этиладиган бир юлдузнинг номи, баъзан уқоб деб ҳам аталади) хуркади, найзаларидан «Симоки ромиҳ» юлдузига (Асад буржидаги бир юлдузнинг номи) доғ тушади; б) салла ўрашлари ҳам бесўнақай, қўпол; салла печининг узунлигидан эса елкаларида бетиним озор. Тасвирдан кўриниб турибдики уларнинг ички дунёсидаги нуқсонлари ташқи кўриниши билан уйғунлашган бўлиб, эстетик дидлари ҳам ўзаро ҳамоҳангдир. Бизнингча, мазмун билан шаклнинг ўзаро ўхшашлиги ички механизм билан ташқи ифоданинг мутаносиблигидан далолат беради, чунки аксарият ҳолларда ҳатти-харакатларнинг юзага келиши ички механизм таъсирида рўёбга чиқади. Қолаверса муаллифнинг бадиий образлари баҳодирлик лофини урадиган фосих, очкўз, мақтанчоқларнинг психологик қиёфасини шакллантиришда типик холатларга оқилона мурожаат қилиш салоҳиятига эга эканлигини рўйи-рост қилади. Бу билан чекланиб қолмасдан, балки уларга нисбатан аҳолида жирканч, антипатия, нохушлик ҳис-туйғулар ва кечинмаларини уйғотади.

Алишер Навоийнинг мақтанчоқларга нисбатан психологик қарашларида психометрияни чуқур эгаллаган юқори савиядаги мутахассис сифатида гавдаланади, бу холатнинг энг ибратли томони шундаки унинг зийрак, идроки, теран фикри бир даврнинг ўзида ўрганиш субъектларининг фаолияти, муомаласи, хулқ-атвори таркибларига кўпёқлама ёндашувининг мажмуаси акс эттирилишидир. Худди шу боис, мутафаккирнинг жамиятга, табиатга шахслараро муносабатларга юза келувчи низоли вазиятларга муайян мезон орқали қарашининг ишончлилиги, кафолатлилиги назария билан амалиёт бирлиги принципини ўзида мукаммал акс эттириш ифодасидир. Навоийнинг шу мавзуда мулохазаларини чуқурлаштириб бориб, дастлабки тавсиф билан кейингиси ўртасида оддийдан мураккабга томон мантиқий фикр юритишини мувофиқлаштиришнинг намунасини намойиш қилишга эришади, бу эса изчиллик, тадрижийлик мезонларидан унумли фойдаланишдан дарак беради.

Ҳарбий кийим кийган мақтанчоқларни адекват акс эттириш имкониятига эга бўлмаганлиги туфайли, орттириб, бўрттириб инъикос қилишларини Навоий қуйидагича тимсоллар орқали вербал тарзда яратади: 1) улар мамлакат ёвини (душманларини) қувиш, юрт сақлаш ишимиз деб шоҳга миннат этишади; 2) бу даъволарга эришгунча нечтасини ичкилик ўлдиради; 3)бир қанчалари эса бошқа ёмонликлар туфайли дўзахга равона бўладилар.

Бизнингча, баҳодирлик лофини урган мақтанчоқ жангчиларнинг юздан бири жанг майдонига етади, қолганлари эхтиётсизликлари натижасида ўринсиз от чоптириши сабабидан ўзини ҳалок қилишади, чунки уларнинг аксарияти на жанг тактикаси, на стартегияси тўғрисида билимга эга эмаслар. Навоийнинг тасвирлашича, булар жанг майдонида баҳодирлик лофини урадилар ва душман сафини бузиш ўрнига ўз шерикларини босадилар.

Бу фикрларини умумлаштирган муаллиф жанговор, мобилизацион, кўтаринкилик руҳида эмоционал-ҳиссий ҳолатга асосланган ҳолда бир қатор амалий тавсияларни ишлаб чиқаради: биринчидан, бу хилдаги «баҳодир» ҳеч жанг майдонида бўлмасин; иккинчидан, душман сафини бузишда, майдонда бундайларнинг қони тўкилмасин!

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Навоий А.. Маҳбуб ул-қулуб. –Тошкент: «Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат» нашриёти. 1983 й. 112 бет.
2. Ғозиев Э.. Умумий психология. – Тошкент: «Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти» нашриёти. 2010 й. 544 бет.
3. Олим С.. Навоий – ёшларга. – Тошкент: «Abu matbuot konsalt» нашриёти. 2008 й. 103 бет.
4. Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: «Маънавият» нашриёти. 2007 й. 205 б.
5. Иброҳим Ҳаққул. Навоийга қайтиш. -Тошкент: Фан, 2007, 224 бет.